# НАВРЎЗ ОРЗУ-УМИДЛАР БАЙРАМИДИР

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 март пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 61-62 (2889-2890)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан йўллаётган табригимни қабул этгайсиз.*

*Ўтган ўн йил мобайнида Россия билан Ўзбекистон ўртасида тенглик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган дўстона муносабатларни қарор топтириш ва ривожлантириш борасида катта йўл босиб ўтилди.*

*Аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги улкан салоҳиятга эга ҳамкорлик бундан буён ҳам чуқурлашиб, самарали алоқаларимиз янги-янги соҳаларни қамраб бораверади. Бундан Россия ва Ўзбекистон халқлари манфаатдордир, бундан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим гарови ва кафолати рўёбга чиқади.*

*Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, давлатни бошқаришдек мураккаб ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.*

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**



*Байрамнинг шоҳона таоми*

## ПОКДОМОНЛИК ФАСЛИ

**Маърифат соати**

«Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деган гўзал инсоний ибора ҳозирги авлодларга улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоийдан эзгу нафас бўлиб қолганлигини маърифатли, зиёли одамлар яхши билади. Биз уни ҳар Наврўз айёмида бот-бот эслаймиз. Бир-биримизга, элимизга, юртимизга Наврўз тилакларини изҳор этишга чоғланар эканмиз, хаёлимиз кўзгусида, энг аввало, шу ибора жонланади, энг табаррук тилак сифатида у дилимиздан тилимизга кўчади.

Бироқ ушбу ибора билан боғлиқ яна бир ҳолат ҳам мавжуд. Биз Навоий бобомизнинг «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» деган фикрларини ҳар ким ўз тарбияси даражасида, ўзимизга мослаб тушунамиз. Очиғи, бу иборани бизнинг тушунишимизда маишатпарастлик тамойили кучлироқ. Яъни, «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» дейилса, байрамона дастурхон, тўкин зиёфат, ошу сумалак... аксариятимизнинг кўз олдимизга келаверади. Ҳолбуки, Навоий «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» дер экан, бу унинг, сизу бизга, ҳар кунинг маишат оғушида ўтсин, дегани эмас. Бундай қараш Навоий идеалига, унинг юксак маъноларга таянган дунёқарашига асло тўғри келмайди. Йўқ, аксинча, мутафаккир бобомиз бу иборага, назаримизда, тамомила бошқа, чуқур ҳаётий, асосли қарашларни сингдирганлигига шубҳа йўқ.

Хўш, «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» ибораси қандай тушунилиши лозим? Бунга фақат Наврўзнинг асл табиатидан, асл моҳиятидан келиб чиқиб ёндашилсагина асл жавоб ҳам топилади, яъни унинг бағридан ҳақиқий, сўзнинг чинакам маъносидаги Навоийона ҳикмат ҳар биримизга порлаб кўриниши мумкин.

Маълумки, Наврўз айёми аждодларимизнинг теран ҳаёт тажрибаларидан туғилган. Бу ҳаётий тажриба эса битта улуғ ҳақиқатни илгари суради. Яъни бу, дунёда ҳамма нарса ўтаверади, лекин эзгулик яшаб қолади, деган улкан ҳақиқатдир. Оламда бунёдкорлик қолади, хайру мурувват қолади, покдомонлик, гўзаллик қолади. Нимаики инсонпарварликка, тараққиётга зид экан, ўтиб кетади. Улардан ному нишон ҳам қолмайди. Боши синовларга дуч келиб, тошларга урилиб, неча-неча аждодларимиз англаган бир улкан ҳақиқат ана шундай. Худди шундай, илдизи мустаҳкам қарашлар аста-секин удумларга, анъаналарга, урф-одатларга айланган. Жумладан, Наврўз удумларига, Наврўз анъаналарига, наврўзона урф-одатларга.

Бежизга шу кунларда ҳам ҳар Наврўз айёмини нишонлар экан, халқимиз умумҳашарга чиқиб, шаҳарлар ва қишлоқларда, корхоналар ва ташкилотларда, маҳаллалар ва мактабларда, кўчалар ва ҳовли-жойларда тозалаш, атроф-муҳитни чиқитлардан поклантириш тадбирларини ўтказмайди. Чунки бу азалдан бизга мерос бўлиб келаётган наврўзий урф-одатга, Наврўз удумига айланган. Чунончи, Навоий бобомиз замонида ҳам бу удумлар ҳаётда амал қилган. Ва бу покланишлар, борлиқни тозалашлар фақат Наврўз кунларидагина эмас, балки ҳамиша одамларга хос бўлишини истаб, улуғ шоир: «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деб ният қилган бўлсалар, ажаб эмас.

Наврўз — йил боши. Янги йилни бошловчи баҳорий қадам! Халқимиз Наврўз айёмига атаб ободончилик ишларини амалга оширади. Боғлар ёнига янги боғлар қўшилади. Кўчалар, анҳору ариқларнинг ёқаларига дарахтлар экишади. Бу ҳам удум, анъана! Ва Навоий бобомиз ҳам ўз даврида Наврўз айёмида эл ободончиликка юз бурганлигини, Наврўз — фаровонликлар манбаи бўлаётганлигини кўрган. Ва бу хайрли ишлар фақат Наврўз айёми кунларидагина эмас, балки ҳамиша содир этилишини дил-дилдан орзу қилиб: «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деган бўлсалар, ажаб эмас.

Наврўз айёми кунларида одамлар ўз маънавиятларидаги энг яхши ишларни намоён этадилар. Савобли, хайру мурувватли ишларга қўл урадилар. Бу Наврўзий удум бугун ҳам ҳаётимизни безаб турибди. Йил боши кунларида ночор оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар албатта йўқланади. Мурувват уйлари, ногиронлар уйлари, қариялар уйларига ташкилотлар, муассасалар, тадбиркорлар хайру эҳсонлар билан ташрифлар қиладилар. Буларнинг ҳаммаси, Наврўз айёмининг шукуҳи ҳамма юракларни нурлантириб турсин, деган эзгу ниятда қилинади.

Шак-шубҳасиз, бу азалий одат одамлар учун ҳамишалик одатта айланса қани эди, деган истак Навоийнинг «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» сатрини дунёга келтирган бўлса, ажаб эмас.

Хуллас, Алишер Навоий «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» дер эканлар, ҳаётда Наврўз удумлари ҳар куни, мунтазам қарор топсин, одамлар қалби ва руҳи Наврўз тамойилларига доимо ҳамнафас бўлсин, деган улуғ маънони ифода этгани шак-шубҳасиздир.

Чиндан ҳам, атроф-муҳитнинг тозалиги — ҳар куни керак. Ўнлаб, юзлаб гектар майдонларга, йўл ёқалари ва ариқ-анҳор бўйларига Наврўзда экилган кўчатлар ундан кейин ҳам парваришни, асраб-авайлашни талаб қилади. Ёки бизнинг меҳр-мурувватимизга муҳтож кимсалар фақат Наврўз кунларидагина эмас, бошқа кунларда ҳам бунга эҳтиёж сезадилар. Буни унутиб бўлмайди.

Модомики, шундай экан, эй, биродар, ватандош, Наврўз ўгитларидан доимо огоҳ бўл! Уларни унутма! Сенга ният шуки, ҳар кунинг Наврўз бўлсин! Ҳар куни ўзингни ва атрофингни поклантириш йўлидан бор. Ҳар куни ўзинг яшаётган она-заминнинг ободлигига ҳисса қўш. Ҳар куни савоб ишни, элга мурувватни ўйла. Наврўз руҳи — борлиғингда ҳамиша бор бўлсин!

**М.САФАРОВ.**

## АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси очилганлигининг 10 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг ваколатхонаси 1992 йил 16 мартда очилган. АҚШ мустақил Ўзбекистонда дипломатик миссияни бошлаган биринчи мамлакат бўлди.

Маросимда сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Эдвард Хёрбст 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларидан кейин АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳар қачонгидан кўра яқинлашганини таъкидлади. Ўтган ҳафтада Президент Каримовнинг Қўшма Штатларга биринчи расмий ташрифи ҳам бундан далолат беради, деди жаноб Хёрбст.

АҚШ ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларнинг рамзи сифатида элчихона биноси тепасига илгари Вашингтонда Конгресс биноси узра ҳилпираган АҚШ байроғи кўтарилди. Бу байроқ конгрессмен Дэвид Хобсон бошчилигидаги Конгресс делегациясининг Тошкентга ташрифи чоғида элчихонага топширилган эди.

Ўтган 10 йил давомида Ўзбекистонда АҚШнинг элчилари — Генри Кларк, Стэнли Эскудеро, Жозеф Пресел фаолият кўрсатди. Бугунги кунда эса Жон Хёрбст ваколатхонага раҳбарлик қилмоқда. АҚШнинг Тошкентдаги миссияси бошланган кундан эътиборан Америка ҳукуматининг кўпгина юқори мартабали делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Улар орасида Давлат котиблари Жеймс Бейкер, Мадлен Олбрайт ва Колин Пауэлл, мудофаа вазирлари Уильям Перри ва Дональд Рамсфельд, собиқ биринчи леди Ҳиллари Клинтон ва бу ерга сенаторлик вақтида келган собиқ вице-президент Альберт Гор бор.

Маросимда Америка дипломатик миссияси раҳбари маълум қилганидек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожлангани сари элчихонанинг эски биноси барча ходимларни жойлаштиришга қийналмоқда. Шу муносабат билан Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида элчихонанинг янги биносини қуриш учун ер майдони сотиб олинди. Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи чоғида бу ҳақда битим имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЯНГИ КУН ФАЛСАФАСИ

Байрамлар тарихи — одамзод тарихичалик қадим. Ҳатто Африка ўрмонларидаги ҳозиргача ибтидоий жамоа яшаш тарзи билан ҳаёт кечираётган қабилаларда ҳам ўзига хос байрамлар мавжуд.

Айрим байрамлар халқнинг миллий давлатчилиги тарихидан ҳам узоқроқ йўлни босиб ўтган бўлади.

Наврўз ҳам ана шундай байрамлар сирасига киради.

Байрамларга муносабат ҳамма замонда ҳам мафкуравий масала бўлиб келган. Бу муносабатнинг ўзгариши амалда сиёсат бошқача тус олаётганидан далолат беради.

Наврўз ҳам буни кўп бошдан кечирди.

Ҳали шўро замони ҳукм сураётган бир маҳалда — 1990 йили Ўзбекистонимизда бу миллий байрамимизнинг умумхалқ байрами сифатида тантана қилиниши юртимизда истиқлол шабадаси эса бошлагани, чинакамига янги кун кириб келаётганининг нишонаси эди.

У, мана, мамлакатимизда ўн иккинчи бор кенг нишонланяпти. Ўтган давр Наврўз бизга нима берганини мушоҳада-мулоҳаза қилиб кўришга ундайди.

Байрам, аввало, халқ ўз тарихи, қадриятларига ўзи эга эканини исботлади. Бугун Наврўз тор «маҳаллий» доирадан чиқиб, 130 дан ортиқ миллат ва элатдан таркиб топган бир бутун Ўзбекистон халқининг умумбайрамига айланди. Чиндан-да Наврўз бизга минтақамиз ва яқин атрофдаги халқлар билан қондош-қардош эканимизни яна бир карра эслатиб, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келяпти.

Пойтахтимиздаги Миллий боғдаги, вилоятлар марказлари, шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овуллардаги тантаналарда халқ ўз санъати билан орзу-ўйи, мақсад-интилишлари, ҳаётга, тарихга, юртга, меҳнатга, яратувчиликка муносабатини турли кўринишда намойиш этиб келаяпти. Демакки, Наврўз бугун чинакамига ижод аҳли учун илҳом манбаи бўлиб қолди.

Энг муҳими ва энг қувончлиси шуки, бу байрам одамларга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлайди. Табиатдаги куннинг тун устидан ғалабаси бошланишини нишонлаш орқали инсон қалбини қанчалар жунбушга келтириш, шу йўл билан унда яшашга қизиқишни, яратувчилик ҳиссини жўш урдириш сирини аждодларимиз бундан тўрт минг йиллар илгари илғаб олишган.

Лекин Ўзбекистон тарихида олдин ҳеч қачон Наврўзи оламни бугунгидек тантана қилиш бўлган эмас.

**Султонмурод ОЛИМ.**

## СОВРИНДОРЛАР ШОҲСУПАДА

### «Ташаббус-2002» кўрик-танлови ғолиблари аниқланди

**Мана, олти йилдирки, мамлакатимизда «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича беллашувлар ўтказишдан асосий мақсад мулкдорлар синфи учун қулай шарт-шароит яратиш, илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.**



Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтган куни кўрик-танловнинг республика бўйича якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 41 та киши қатнашди. Улар шу куни ўзларининг маҳсулотларини ҳам намойиш этдилар. Кўргазмани кўриб, уларнинг барча тармоқларда иш юритаётганлигига гувоҳ бўласиз. Маҳсулотларнинг аксарият қисми жаҳон андозалари талабларига жавоб беришини кўрган киши юртимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлигини, давлатимиз мазкур соҳага бежиз аҳамият бермаётганлигини сезади.

Биз фурсатдан фойдаланиб, баъзи тадбиркорларнинг фаолияти билан батафсил танишдик. Улардан бири — Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги. 1994 йили 42,8 гектар ер олиб, иш бошлаган фермер хўжалиги ҳозир 148,4 гектар майдонга эга. Ўтган йили 158,8 тонна пахта, 408,2 тонна ғалла, 178 тонна сут етиштирилди. Шу билан бирга, фермернинг сутни қайта ишлаш корхонасида 89,1 тонна пишлоқ, сариёғ ва творог каби 18 хил маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йиллар мобайнида жамоада 449 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси ўзлаштирилди. Ҳозир яна 500 минг АҚШ доллари қийматида хориж кредитини жалб қилиш бўйича маркетинг ишлари олиб борилмоқда. 2001 йил якунлари бўйича хўжалик 19 миллион сўм соф фойда олди. Бундай мисолларни бошқа тадбиркорлар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу куни барча йўналишлардаги кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Фарғона шаҳридаги «Сайқал» савдо, ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдураҳмон Ниёзов, «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича Денов туманидани «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича Тошкент шаҳридан мусаввир Шорасул Шоаҳмедовлар танлов ғолиблари, деб топилди. Улар мамлакатимиз Президентининг мукофоти — «Матиз» автомашинаси ва олтин медаль билан тақдирландилар. «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича иккинчи ўрин Қарши шаҳридаги «Ал-Саид» хусусий фирмаси раҳбари Маҳмуд Саидалиевга, учинчи ўрин Жомбой туманидаги «Фармасам СО ЛТД» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Камолиддин Маҳмудовга насиб қилди.

«Энг яхши фермер» номинацияси бўйича иккинчи ўрин Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги бошлиғи Алижон Аҳмедовга, учинчи ўрин Зарафшон шаҳридаги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган «Поток» изланувчилар клуби раҳбари Александр Вдовенкога топширилди. «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича эса иккинчи ўринни Фарғона шаҳридан Зокиржон Ғофуров, учинчи ўринни Ургут туманидан Нутфулло Саидов олди. Уларга кумуш, бронза медаллари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг кўп маҳсулот экспорт қилган корхона», «Менежмент бўйича энг яхши ўқитувчи», «Энг интизомли солиқ тўловчи», «Энг ёш тадбиркор», «Энг нуроний тадбиркор», «Тадбиркорлик фаолиятини ёритган энг яхши журналист ва тележурналист» йўналишлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Мукофотларни топшириш маросимида Бош вазир ўринбосарлари Ў.Исмоилов, Т.Холтоев иштирок этди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Наврўз айёмида пешкулик саховатпеша инсонлар хайрли ишга қўл урдилар. Бу ерда туман ҳокимлиги ҳузурида фаолият кўрсатаётган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, туман прокуратураси саъй-ҳаракати билан хайрия марафони ўтказилди.**

## Хайрия марафони

**Бу тадбирда «Пешку пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти, «Боғимусо», «Мустақиллик» каби ширкат хўжаликлари ва «Жўра», «Нишод», «Нусрат гулчи» сингари фермер хўжаликлари фаол қатнашишди. Жамоат ташкилотлари, фуқаролар ҳам савоб ишдан четда туришмади. Марафон чинакамига саховат байрамига айланди.**

**«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак!» шиори остида ўтган марафон ҳисоб рақамига 3 миллион сўм пул тушди. Бу маблағ эвазига олинган озиқ-овқат, кийим-кечак ва байрам совғалари туманда истиқомат қилаётган вояга етмаган ногиронларга топширилди. Демак, қанчадан-қанча кўнгилларга қувонч улашилди.**

**Амрулло САМАДОВ.**



# ЭНГ ПОКИЗА ТУЙҒУЛАР



*Наврўз — баҳор ва гўзаллик байрами, яшариш ва янгиланиш байрами.*

*Наврўз айёмини — табиат уйғонадиган ойни ўтмишда яшаган боболаримиз «Улуғ ой» ёки «Умид ойи» деб атаганлари катта маънога молик. Чунки баҳор келиши билан баракали ва мўл ҳосил олиш учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб даврда нафақат табиат, балки инсон умидлари ҳам куртак очади, инсонлар дили покланади.*

**Ислом КАРИМОВ.**



*Бу кун созимизга созлар қўшилар.*

## Эзгулик тимсоли

Инсоният ҳаёти давомида ўзлигини англашга, мафкураси, қадриятлари ва маънавий мероси ҳамда миллий менталитетига оид байрамларга катта эҳтиёж сезади. Ана шундай эҳтиёж жамиятнинг ривожланиш йўналишларини ва тараққиёт омилларини белгилайди.

Мустақилликни қўлга киритган ўзбек халқи XXI асрга ўзининг қадимий диний ва миллий қадриятлари, маънавий меросини тиклаган, уларни янгича мазмун билан бойитган ҳолда кириб келди. Бугунги тарихий бир жараёнда жаҳон афкор оммаси бой меросига эга бўлган, ўзбек халқининг тарихи инсоният ибтидоси билан тенгдош эканлигини, Ўзбекистон давлатини эса ўзига хос қадимий бошқарув анъаналарига эга бўлган давлат сифатида эътироф этмоқда. Бугунги кунда умуммиллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш борасида анча самарали ишлар қилинмоқда.

Халқимизнинг севимли байрамига айланиб қолган Наврўз коинот ва инсон, табиат ва одам ҳаёти ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини тасдиқловчи, замон ва маконга оид фалсафий тушунчаларни жамловчи, табиатнинг қайтадан жонланиши, поклик ва шодлик ҳамда ўзаро бирдамлик тушунчаларини мужассамлаштирган байрамдир.

Наврўз бирон-бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ҳодиса ҳисобланмайди. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, куну тун тенглашгандан сўнг, энди кунларнинг узайиши, узлуксиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Узоқ қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. «Иликуздި» пайтларда яна она табиатнинг ўзи меҳр-

### Боқий қадрият

мурувват кўрсатиб, ёруғ кунлардан дарак берган. Шу кунларгача эсон-омон етиб келган қарияларнинг ҳам томирларидаги қони қайтадан жўш урган.

Наврўзни байрам қилиш Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида анча қадим даврлардан таркиб топган анъанадир. Бу гўзал ва улуғ байрам ҳақида ёзма манбалар ва тарихий асарлар мавжуд. Жумладан, Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур Солибий, Жоҳиз Басрий, Умар Хайёмларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида унинг келиб чиқиши, ўзига хос қадимий расм-русумлари ва маросимлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Наврўз ўзининг қарийб 3000 йиллик тарихий даври мобайнида ҳамма учун баробар хизмат қилган, барча ижтимоий табақаларга тааллуқли бўлган.

Наврўз байрами фақат дам олиш, кўнгил очиш ва кўнгил олиш кунларигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам саналган. Бу кун халқимиз орасида деҳқончилик, боғдорчилик, гуллар экиш ишлари бошлаб юборилган.

Афсуски, мустабид Шўро даврида халқимизнинг кўплаб қадриятлари, миллий менталитетимизга хос бўлган байрам ва маросимлар чекланди ёки қатағонга учради.

Айни мана шундай бир жараёнда ҳали Шўро мустабид тузуми ҳукмрон бўлган 80-йилларнинг охиридаёқ И. Каримов халқимизнинг қадимий қадриятлари ва анъаналарини, буюк аждодларимизнинг маънавий меросини қайта тиклаш масаласини матонат ва қатъийлик билан кун тартибига қўйди. Бу борада зарур тадбирларни дадиллик билан амалга ошириб борди. Жумладан, Юртбошимизнинг 1990 йил 2 майдаги Фармони билан Наврўз анъанавий байрами қайта тикланиши натижасида тарихий ҳақиқат ва адолат қарор топди.

Наврўз баҳор фаслининг бошланиши, аниқроғи, баҳорги тенгкунликни нишонлаш тантанаси, янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт рамзи, азалий қадрият сифатида аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган табиат байрами бўлиши билан бирга, эзгулик тимсолига айланган байрам ҳамдир. У шунчаки намойиш, шунчаки байрам эмас, балки инсоний ҳисларга куч-қувват берувчи, уларни бирлаштирувчи ҳамда халқимиз қалби ва онгида ягона Ватан туйғусини мустаҳкамловчи қудратли омилдир.

**Адҳам АШИРОВ.**



## Орази офтобим

*Кўз очган куртаклар кўзимга чирой,*
*Булбуллар баёти сўзимга чирой.*
*Тоғда қолган қорлар энди хуш қолинг,*
*Келдингми, мунисам, онам, кўкламой,*
*Биз сени соғиндик, эй, хокисорим,*
*Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?*

*Сенингсиз ёзни ҳам ёзлиги ёлғон,*
*Кузнинг этагига тўкилмас хазон.*
*Қишнинг эртагини ким ҳам тингларди,*
*Бағрида баҳорни кўрмаса омон.*
*Орази офтобим, кўзи хуморим,*
*Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?*

*Ёмғирларинг бошқа, чақмоғинг бошқа,*
*Булутлар ярашган қабоғинг бошқа.*
*Чеҳрангдан айланай, жоним, Момо Ер,*
*Ялпизлар ярашган ёноғинг бошқа.*
*Кўзларга сиғмаган гулим, гулзорим,*
*Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?*

*Майсанинг, чечакнинг, гулнинг эгаси,*
*Ошиқлар ахтарган бахтнинг бекаси.*
*Мен сени ҳаммадан кўпроқ соғиндим,*
*Тўрт фасл ичинда кўнгил эркаси.*
*Топилган туморим, атрим, ифорим,*
*Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

## ТЎЁНА

**Наврўз айёми арафасида санъат музейи залларида истеъдодли мусаввир Иқбол Илҳомов ўзининг рангтасвир асарлари кўргазмасини намойиш этди. Рассом — рангтасвирнинг манзара ва портрет жанрида ижод қилади. Иқбол илк рангтасвир сирларини ўзбек тасвирий санъати ривожига улкан ҳисса қўшган рассомлар — Чингиз Аҳмаров, Абдулҳақ Абдуллаев каби буюк устозларидан ўрганди. Асарларининг моҳияти тасвир тилининг аниқлиги, тугал ечими ва лирик оҳангда очиб берилиши билан алоҳида ажралиб туради.**

**Кўргазмага рассомнинг етмишдан зиёд асарлари қўйилган. Оқтош, Чортоқ, Бурчмулла ва Чимён тоғ манзараларида рассом она-юрти Ўзбекистонни турфа рангларда мадҳ этади. Портрет жанридаги асарларида эса тасвирланувчининг образи бевосита унинг характер хусусияти, ички гўзаллиги ва реалистик ёндашуви билан сайқаллангандир. Бобур лирикаси билан суғорилган темактик асарларда рассом фикрлари тарихийлик ва мумтоз шеърият билан уйғунлашганлиги бежиз эмас.**

**Кўргазма рассомнинг дастлабки ижодий изланишлари натижасидир. У ҳозирги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг катта лейтенанти сифатида фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, ўзи севган касб — рассомликни ҳам канда қилмаганлигини кўргазмаси орқали таъкидлаб ўтади.**

**Саида ИЛҲОМОВА, санъатшунос.**

## ҚИШЛОҒИМДАН БОШЛАНАР КЎКЛАМ

Ҳар йили қиш оёқлаб қолганда, уйимиз ёнидаги қори эрий бошлаган қирлардан, ҳовлимиз ўртасидаги ариқ бўйларидан баҳорни излайман. Ва уни топгандек бўламан.

Баҳор қор тагидан бош кўтарган бойчечакларда.

Баҳор ариқ бўйидаги икки қулоққина ялпизларда.

Назаримда, ҳар йили баҳор қишлоғимдан бошланади. Кейин у дашту далаларда, сойларда, дарахтларда бўй кўрсатади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Кўкламнинг илк онларини қишлоғимда ҳис этдим. Ёзнинг ўрталаридаёқ қуриб қоладиган каттагина сойнинг тўлиб оқаётганида, суви қочган булоқларининг қайта кўз очганида, қор тагидаги ғалла ниҳолларининг ривожида уни кўрдим.

Мустақил юртимнинг янги баҳори эди бу. Халқимнинг ризқ-насибаси тўкинлиги эди бу!

Ризқ-насиба, барака. У табиат билан, инсон характери, феъл-атвори билан боғлиқ. Кенг феълли кишига баракани Аллоҳнинг ўзи беради, дейишади.

Дарвоқе, шундай. Қариялари қадрланаётган, йигитлари дулдул отдек юртда барака бўлиши тайин. Ризқ-насибамизнинг бутлиги қишнинг қирчиллама онларида қор устига қор ёққанида, далалардаги экинларнинг бўлиқлигида, одамлар кайфиятининг юқорилигида, нурли келажакка ишонч билан боқишларида сезилиб қолди.

— Кейинги икки йилдаги қурғоқчилик қишлоқ одамларини анчагина қийнаб қўйди, — дейди нурободлик 70 ёшни қаршилаётган ўқитувчи Соат Бердиев. — Лекин тушкунликка тушмадик. Яхши кунларни кўрибгина эмас, унга етиш йўлларини излаб яшадик. Менинг боғимда 20 дан ортиқ мевали дарахт бор. Олма, ўрик, гилос, олча, шафтоли, ҳатто хурмо ҳам экканман. Сув қанчалик танқис бўлишига қарамай, дарахтларимнинг бирор тупи қуриб қолгани йўқ. Ҳосилдорлиги ҳам пасаймади. Бу йилги баҳорнинг бошланиши эса янада кўпроқ барокатдан дарак бераяпти. Ишлайдиган, меҳнат қилиб завқланадиган давр келди.

Баъзан қишлоғимни мустаҳкам қалъага қиёслагим келади. Негаки, уни уч томондан баланд тоғлар ўраб туради. Кунботар тарафи эса каттагина майдонлар, дашту далаларга туташиб кетган. Ана шу майдонларда экин экилади, ғалла, пахта етиштирилади. Ўртадан оқиб ўтган каналдан экин майдонларининг бир қисми сув ичади. Бу жойларни, аҳоли яшамаганиданми, азалдан чўл деб аташади. Бугун ана шу чўлда ҳам ҳақиқий баҳор!

Айни чоғда тоғ бағирларининг файзи бўлакча: сариқ, пушти, қизил, яшил, яна қанча-қанча рангдаги гулларнинг муаттар ҳидлари, тоза ҳаво кишини бу ерлардан бир қадам жилишга қўймайди. Харсанг тошлар орасидаги ўт-ўланлар, булоқларнинг зилол сувлари баҳридилингни очади. Пастроқдаги яйловлар эса қўй-қўзига тўлган. Чўпон қалбини қувонч эгаллаган. Баланд қояларга қараб қийқиради у. Қоялар эса акс-садо беради.

Ажиб гўзаллик.

Инсонни яшашга, яратишга ундовчи манзара.

Тоғ баҳори гўзал, инсон қалби ундан ҳам.

Бу бир баҳорки, ҳар онида тиниқлик, илиқлик, шодумонлик мужассам.

Бу бир баҳорки, қалбларда меҳнатга муҳаббат, Ватанга меҳр туйғуларини кучайтиради.

Ҳовлимиздаги ўрик оппоқ бўлиб гуллади. Оппоқ қор ўрнида оппоқ гул. Олма, анорлар эса куртак ёза бошлади. Анорнинг гули чиройли бўлади. Қип-қизил. Эҳтимол, унинг меваси ранги ҳам гулидан олингандир?

Ҳа, интиқлик билан кутган янги баҳоримиз бошланди. Далаларда, боғларда меҳнат авжида. Қозонларда сумалак қайнай бошлади. Хонадонларда тўй устига тўй. Кураш, кўпкари томошалари дилларга завқ бахш этаётир.

Ҳар они йилга татийдиган кунлар.

Ҳар лаҳзаси бекиёс гўзалликка йўғрилган дамлар.

Қишлоғимда баҳор шундай бошланди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**





## Адирдаги ёнғоқзор

**шифобахш неъмат беришдан ташқари чор-атрофнинг яшилликка бурканишига, халқ ҳунармандчилигида жуда асқотадиган саноатбоп ёғоч мўл бўлишига хизмат қилади**

«Ўзбекистон Швейцарияси» дея ном олган Хонободнинг турфа гулларга, баҳорий гўзаллик жилоланиб турган арчаларга бурканган кенг, равон йўллари сизни қир-адирларга элтади. Баландликлар, ўнгирликларга кўтарилганингиз сари Андижон сув омбори ўзининг бутун маҳобати, мафтункорлиги билан кўзга ташлана бошлайди. Ана шу бекиёс гўзалликларга ёндош баланд-пастликлардаги дарахтзор эса бир қарашда Арслонбобнинг хушҳаво табиатини, бетакрор манзараларини ўзида акс эттиргандай бўлади.

Одамлар меҳрига, яшилликка ташна Хонобод адирлари сув келтирилиб, ниҳоллар ўтказилгач, асрий «жанда»сини бир силтаб ечиб ташлади. Бағрида гул унди, дарахт кўкарди. Оз эмас, кўп эмас — юз гектар ерда ёнғоқзор барпо этилди. Унинг олди мевага кирди.

Ишни уйқусида битириб ўрганган хонободликлар қишли-қировли кунлардаям дам олиб ётишмади: ёш ниҳолларга шакл беришди, уларнинг остига қор тўплаб, чилла сувига тўйдириш чорасини кўришди.

— Икки юз нафар дам олувчини ўз бағрига оладиган сиҳатгоҳимиз учун ҳам ажойиб совға бўлди-да бу боғ, — ғурурларини яширишмайди хонободликлар. — Водийнинг энг баланд, ҳавоси мўътадил, ғир-ғир эсгучи шабадаси ҳузурбахш бу баландликлар ҳаммани ўзига чорлайди. Ҳали ёнғоқзоримизнинг хуштаъм, шифобахш неъмати кириб бормаган хонадон қолмайди...

**Ўз мухбиримиз.**



Боболар тилида бир эзгу калом:
Умринг боқий бўлсин, Наврўз, ассалом!

# НАВРЎЗ БИЛАН ТУҒИЛАР

ГУЛИСТОНДАН Янгиерга бораётиб Учтом йўлига етганимизда, машинамиз тўсатдан бузилиб қолди. Ҳайдовчи йигит бир ғудраниб олди-да, уни тузатишга тутинди. Мен эса вақт ўтказиш мақсадида яқингинадаги дўнглик сари юрдим. Дўнглик устига чиқдим-у, қотиб қолдим. Ишонинг, ёнимда бўлганингизда сиз ҳам ҳайратдан ўзингизни йўқотиб қўйган бўлурдингиз. Ахир бу ерда мўъжизалар рўй бермоқда эди!..

... Дастлаб кўзим майин-майин шивирлашган кўйи бир-бирига эгилаётган икки чучмомага тушди.

— Нақадар гўзалсиз! — шивирлади бири.

Мен ҳеч қачон кўрмаганим, аниқроғи, кўрсам-да, идрок этмаганим — бу ажиб ҳолатдан лол бўлиб турарканман, шууримда шеър туғилаётганини ҳис этдим:

*Аллалаб майсаларни*
*Ел эсади сар-сари,*
*Уялмай чучмомадан*
*Ўпич олар асалари...*

Йўқ, бечора шеър «туғилиб» улгурмади — тракторнинг тариллаган товуши хаёлимни бўлиб юборди. Овоз келган томонга қарадим-у, сал нарироқдаги пайкалда битта сеялка тиркалган трактор ва унинг атрофида уймалашаётган бир неча кишини кўрдим. Янаям нарироқда

Чунки бу бизга эртак бўлиб туюларди. Қудратингдан айланай, Истиқлол, эртакларни чинга айлантириб қўйдинг-а!..

Трактор гуриллаб жойидан қўзғалди ва ортида қатор чизиқлар ҳосил қилганча юриб кетди. Бу чизиқларга тикилган кўйи хаёлимга эрк бердим: эй, дўст, сен оддийгина чизиқларни кўраётганинг йўқ. Бу чизиқлар бағридаги уруғлардан бойлик, куч-қудрат, имконият униб чиқади. Бу бойлик муборак номи ҳар куни беш қитъада тилга олинадиган, туғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқида ҳилпираб турган мустақил Ўзбекистоннинг минглаб фуқаро-



## СУРУР

### Публицистика

— Сиз ҳам! — эркаланди иккинчиси.

Мен қотиб турардим. Улар яна ҳам эгилиб пешоналарини пешоналарига теккизишди... Шу пайт бир асалари дўриллоқ овозда хиргойи қилганча учиб келди-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, чучмомаларнинг биридан бўса ола бошлади. Бу зўравонликка чидолмаган чучмома чинқириб юборди. Шериги эса юзини четга бурди.

— Нега унга ўптирдингиз?! — деди у учиб кетаётган асаларининг ортидан алам билан тикиларкан. — Бор асалингизни сўриб кетди-ку!

Чучмомаой индамасдан йиғлаб юборди. Сўнг ҳиқиллаганча бошқа томонга қараб олди. Мен улардан нигоҳимни узиб, асалари учиб кетган томонга қарадим ва уни топдим: булардан-да чиройлироқ чучмомадан бўса оларди!

қуёш нурида нимадир ялтиллаб кўринарди. Ҳойнаҳой, плёнка бўлса керак...

Бир пайт ҳаммалари чўнқайиб ўтиришди. Бироздан кейин қўлларини фотиҳага очишди. Овозлари эшитилмаса-да, ниятлари яхши, дуолари эзгу эди уларнинг. Ахир бола-чақамга, элу юртимга ризқ чиқар, деб ерга уруғ ташлаётган содда, оққўнгил Бободеҳқон-да! У ҳозир бир чигити минг чигит бўлишини, хирмонига барака битиб, топган пули тўрвақоқдисига олиб бериладиган «импортний» велосипеддан тортиб, айтайлик, қурилишини бошлаб қўйган мактабигача етишини тилаб турибди. Ажабо, ўн беш йил бурун биров «Вақти келиб оддий деҳқонлар типовой мактаблар, шифохоналар қуради» деса, ишонармидик? Албатта, йўқ!

ларини едириб-ичиради, кийинтиради. Бу куч-қудрат озод юртимизни ғаразгўйларнинг назаридан, ёмонларнинг ҳужумидан асрайди. Бу имконият оққан ариқларда яна сув оқизиб, аллома боболаримиз каби жаҳон айвонининг тўридан жой олишимизни таъмин этади...

Шу пайт нарироқдаги юлғунга бир тўрғай келиб қўнди ва... жонжаҳди билан сайраб юборди! Ажабо, бу жимитдек қушча чарчамас, барака уруғларини қадаётган коинот гултожи — Инсонга қараб тинимсиз чулдирарди. Қалбимга илиқ бир ҳаяжон инди: ҳойна-ҳой, бу очиқ кўнгил чўл қуши ўзининг инсонлардан орттирган таниши — деҳқон бобосига омад тилаётгандир?..

Айни шу пайт бир қалдирғоч ҳам пайдо бўлди ва чигит экилган қаторлар узра чарх уриб, вижирлай бошлади. У чигит қаторлари устида шу қадар паст учардики, қанотлари баъзан ерга теккандек туюларди... Бу ажиб манзарадан юрагимга яна шеър қуйилаётганини ҳис этдим:

*... Маҳмадана Бўзтўрғай*
*Ишга тилайди ривож,*
*Экишнинг сифатини*
*Текширади Қалдирғоч...*

Бу шеърниям тугатолмадим. Машинани тузатиб бўлди, шекилли, ҳайдовчи кетма-кет сигнал чала бошлади. Ўзим илк бора нозик гўзаллиги ила кашф этган Мирзачўл баҳори билан хайрлашиб, ортга қайтар эканман, енгилгина бир шеърни охирига етказолмаган бўлсам-да, кўнглимда бир фараҳбахш сурур сездим: беозору покиза жонзот Тўрғай ҳам ишига омад тилаб турган Деҳқоннинг омади чопгай! Экишнинг сифатини жаннат қуши Қалдирғочлар текшириб турган ердан баракали хирмонлар унгай!

Машина томон борар эканман, баҳор насими вужудимни майин сийпалаб, димоғимга минг хил уфорни тутди. Қаерлардадир Баҳорнинг мана шу майин шабадаси мен каби инсонларнинг димоқларига кўклам чечакларининг хуш исларини эмас, қон ва порохнинг бадбўй ҳидини, ўт-олов ичида қолган жонлию жонсиз нарсалардан чиқаётган аччиқ тутунни олиб келиб тутаётир. Қаердадир менинг қайсидир тенгдошим чучмома юзидан бўса олаётган асаларига эмас, ўқ теккан гўдагининг пажмурда гавдасига тикилиб ўтирибди...

Мирзачўлдаги, Ўзбекистондаги тинчлик Баҳори учун Яратганга шукроналар айтиш билан бирга, чин дилимдан тиладимки, бу саодат Баҳори она-сайёрамизни тўласича ўз бағрига олсин, Курраи заминнинг ҳар қарич ерида унинг турфа чечаклар ҳидини анқитиб осойишта нафаси уфуриб турсин!

**Мухторали НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «НИҲОЛ»НИНГ НИҲОЛЛАРИ

**Шўрчилик тадбиркор Ҳайдар Маҳмудов ўз хусусий фирмасига ажойиб ном қўйган: «Ниҳол»! Фирманинг иши ҳам исмига монанд. «Бототоғ» ўрмон хўжалигидан озроқ ер олиб, 100 хил дарахт кўчатларини ўстиради.**

**Яхши кўчатнинг, биласиз, бозори чаққон. Даромаднинг ҳам кишига ортиқчалик қиладиган жойи йўқ. Маҳмудовнинг бир фазилати борки, ҳар Наврўзда ниҳол улашади.**

**— «Ниҳол» бу йил бизга 1000 тупга яқин мевали, манзарали дарахт кўчатларини берди, — дейди «Оқ камар» маҳалласидан Ёқуб Абдирашидов. — Ҳашар қилиб кўчатларни йўл четларига, ариқларнинг бўйларига ўтқазиб чиқдик. Маҳалламиз бундан янада обод, кўркам бўлгандай бўлди.**

**Фақат шу эмас. «Ниҳол» республика «Тез тиббий ёрдам» марказига 100 минг сўмлик ниҳол армуғон қилди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига биздан совға деб шаҳарга бир машина кўчат жўнатди. Тадбиркорнинг ўзи яшаб турган «Оққўрғон» маҳалласи, маҳалладаги умумий ўрта таълим мактаби жамоаси Маҳмудовдан, айниқса, мамнун. Маҳмудов, кўчат мендан кетди, эгасига етди, деган қабилда иш юритмайди. Кўчатларининг қаерларда экилганини суриштиради. Бориб кўради. Хабарлашиб туради. Ниҳолларининг барг ёзиши, бўй чўзиши, яшнаб-яйраб ўсиши унинг кўнглидаги армонларини, кемтикларини тўлдираётгандай бўлаверади.**

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХОРАЗМ БАЙРАМ БЎСАҒАСИДА



Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Рангин олам



## АНДИЖОН ГУЛЛАРИ

**«Андижон уруғларини дунёга танитамиз» деб номланган фирма жамоаси, мана, бир неча йилдирки, кўкаламзорлаштириш, онадиёримизни ранг-баранг гулларга буркашдек хайрли ишда фаоллик кўрсатмоқда. Гул етиштирувчиларнинг саъй-ҳаракати билан Олтинкўл, Балиқчи, Булоқбоши, Улуғнор, Қўрғонтепа ва Асака туманларидаги коллеж ва лицейларнинг атрофлари кўз қувнайдиган қиёфа касб этди.**

**— Фирмамиз ташкил этилганидан буён таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди жамоа раҳбари Абдуқодир Каримов. — Ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам манфаат келтирмоқда. Бир томондан, ишларимиз кўплар назарига тушиб, буюртмачилар сафи кенгаётган бўлса, иккинчи томондан, яратилаётган гўзаллик ўқувчилар қалбида эстетик ҳисларни шакллантирмоқда. Табиат билан ошуфталик бола дунёқарашининг кенгайишига самарали таъсир кўрсатади, албатта.**

**Жамоа ўз олдига гуллар, зираворлар, полиз, сабзавот экинлари уруғини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш билан бирга, янги навларни яратиш учун селекция ишларини ҳам олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, фирма буюртмачиларга экинлар учун озуқа ва кимёвий дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик анжомлари, китоб ва қўлланмаларни ҳам етказиб бермоқда.**

**Яқинда фирмага бир қатор хорижий давлатлардан мутахассислар ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишдилар. Голландиянинг NMCP корпорациясининг вакиллари андижонлик ҳамкасбларига селекция ишлари билан шуғулланувчи қатор фирмалар билан ҳамкорлик ўрнатишни таклиф қилдилар. Германиянинг «Крестенсен», Голландиянинг «Роял Слайс», «Бео Зоден» фирмалари билан ҳамкорлик юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.**

**Айни кунларда селекциячилар республикамиз иқлимига мўлжаллаб ўзлари яратган «Беклар гилами» деб номланган майсаларни харидорларга етказиб бермоқдалар.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДИЙДОР ҒАНИМАТ

«Лайли ва Мажнун»нинг 12-бобида Наврўз байрами муносабати билан сайри боғ этганда Мажнун билан Лайлининг хуфиёна учрашуви, бунда Лайли ишқидан Мажнуннинг ҳушдан кетмаги, бу гапдан эл хабар топмасин, деб Лайлининг Мажнунни икки канизига қолдириб, қабила сари кетмаги ҳақида ҳикоя қилинади. Боб шундай бошланади:

*Меҳр истади чун ҳамал фароғи,*
*Дашт узра бутар қўзи қулоғи.*

Демак, қуёш ҳамал буржида фароғат қилишни истаганда, яъни Наврўз дашт узра кириб келганда, қўзи қулоғи униб чиққандек бўлар экан. Наврўз айёмидаги табиат тасвири чизилган байтлар ичида:

*Тун-кунни қилур бинафш сизғон,*
*Кофур ила мушкдин соқизғон, —*

деган мисралар бор. Шу биргина байт бадиий баркамоллигига қойил қолмай илож йўқ. «Бинафш», яъни бинафша осмон рангида очиладиган гул. «Сизғон» — чизган дегани. Хўш, «бинафша чизган» деганда шоир кимни кўзда тутган? Албатта, бу дунёни тузган Эгамни. Чунки «бинафш» бу ерда кенг оламни — кўкни англатиб келган истиора. Демак, ана шу кўмкўк осмоннинг суратини чизган «рассом» тун билан кунни кофур билан мушкдан зағизғон, яъни зоғча қилади. Зоғчани биламиз: ҳамма ёғи қора қуш. Кофур — камфара, у Шарқ мумтоз адабиётида оқ рангнинг рамзи бўлиб келади. Мушк эса кийикнинг киндигига тўпланадиган қоп-қора рангли хушбўй модда, ўтмиш шеъриятимизда у қора рангнинг рамзи. Шоир фалакни бинафшага ўхшатишдан ташқари, Наврўздаги эътидол, яъни тун билан куннинг тенг келишини оқу қора ранглари аралаш зағизғонга қиёс этади.

Навоий шунчаки табиат гўзаллигига маҳлиёлигини баён этишга берилиб кетмайди, ўша тасвирлар замирида аниқ мақсад ётади, яъни бобда баён қилинажак воқеаларга ишоралар бор:

*Ҳар қушқина жуфти бирла пуржўш,*
*Ҳампар бўлур учса, қўнса-ҳамдўш.*

Яъни: ҳар бир қуш Наврўз келганидан кейин ўз жуфти билан жўш уради, учса — қанотларини бир-бириникига теккизиб учади, қўнса — тўшма-тўш, яъни кўкракларини кўкракларига теккизиб ўтиради. Нозикфаҳм шеърхон олдиндан ҳис қиладики, бу бобда Лайли ва Мажнун дийдор кўришса керак. Айтмоқчи, Наврўзда халқ ғаму ҳасратини кўнгилдан қувиб, саҳроларга, боғу бўстонларга сайрга чиқади ва жайран қўзисини кабоб қилади:

*Ҳар хайлки рафъ этиб надамни,*
*Саҳро сори қўйсалар қадамни,*

*Чун азми шароби ноб этарлар,*
*Жайран қўзисин кабоб этарлар.*

Наврўз байрамида саҳрою боғу гулшан аро таралиб кетган эл орасида Лайли билан Мажнун ҳам бор! Лекин халқдан уялганидан улар бир-бирига қарай олмайди, ўзаро сўзлашолмай — сирлашолмай изтиробда. Боғ кенг эди, халқ эса ёйилиб кетган, дарахтлар ғуж-ғуж бўлган жойлар ишқ аҳлига элдан яширениш учун зўр бир парда. Лайли сайр этиб юриб, шундай бир чаманзорга етадики, унинг ичига кирган киши кўринмай қолади. Ногоҳ, ана шу чаманзор ичида зор йиғлаб ўтирган Мажнунга дуч келади:

*Кирмиш эди анда Қайси ғамнок,*
*Гул янглиғ этиб яқосини чок.*

*Ўз ҳолиға зор йиғлар эрди,*
*Бесабру қарор йиғлар эрди.*

Шунда маъшуқа ошиқдан: «Наврўз шамоли эсган шундай шодиёна кунда ҳамма хурсанд-у, сен нега ғамноксан?» —деб сўрайди. Шоирнинг Лайли тилидан айтишича, Наврўзда одамлар байрамни шодиёналик билан ўтказиш учун боғу гулшан аро сайрга чиққанлар, қолаверса, бу сайр уларнинг мушкулларини осон қилишига умид боғлаганлар:

*Бу дамки эсиб насими Наврўз,*
*Гул атрини қилди мажлисафрўз.*

*Боғ ўлди баҳордин гулафшон,*
*Сунбул бу гул узра кокулафшон.*

*Бу фаслда азми гулшан этгай,*
*Бўстон ҳарамини маскан этгай.*

*Бор онинг учунки шод бўлғай,*
*Ҳар бандиға бир кушод бўлғай.*

Демак, ота-боболаримиз йилнинг биринчи кунини яхши, яъни шоду хуррам ўтказиш йилнинг яхши келишига замин бўлади, деб ишонганлар.

Бу ерда шуни қайд этиш керакки, гарчи «Лайли ва Мажнун» араб халқи ҳаётидан олиб ёзилган асар бўлса-да, Навоий ҳар икки бош қаҳрамонни XV аср ўзбек қизи ва йигити тарзида тасвирлаган. Воқеаларнинг араб саҳроларида, арабий қабилалар аро кечиши шаклан қатъий сақланган. Бироқ моҳиятан, кўриб ўтганимиздек, шоир ўзи мансуб халқнинг — XV аср ўзбегининг талай урф-одатларини сингдириб юборган. Наврўзни нишонлаш удуми ҳам ана шундай соф миллий удум эди.

**О. СУЛТОНОВ.**

**Қўшсаҳифа учун масъул: Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**

Ассалом, Наврўз!

UZDUNROBITA
DIYORIMIZ BŎYLAB BIZ BILAN
cellular

*Ажойиб баҳор кунларида*
*Ўзбекистоннинг саховатли заминида*
*НАВРЎЗ байрамини*
*кутиб олмоқдамиз.*

*Азиз юртдошлар!*

*“Ўздунробита” қўшма корхонаси жамоаси*
*сизларни ушбу муборак байрам билан*
*самимий табриклаб,*
*юртимизда ҳамиша тинчлик,*
*тўкинлик бўлишини истайди,*
*барчангизга сиҳат-саломатлик,*
*баркамоллик ва ишларингизда равнақ тилайди.*



5503/17

ШАХСИЙ РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРНИ БЕПУЛ УЛАТИШ КОМПАНИЯНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
РТ № 0000283
Туну кун ишлайдиган маълумот-ахборот бўлими: 130-09-09, 131-09-09. 611 - «Ўздунробита» уяли телефонларидан.

**Barakat** Co., Ltd.

UZBEKISTAN TÜRKEY

тинчликсевар ўзбек халкини энг гўзал
ва энг кўҳна байрам – Наврўзи
олам билан муборакбод
этишдан бахтиёрдир.
Кириб келаётган Наврўзи олам эса
Ватанингиз обрўсига обрў
қўшсин, шон – шуҳратини зиёда килсин, дастурхонингиз
янада кут-баракали ва тўкин бўлсин.

*Биз ўзбек халқининг ёруғ келажагига комил ишонч билан қараймиз!*

*Азиз юртдошлар!*

Барчангизни баҳор айёми билан табриклар эканмиз,
сизларга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ,
Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга
равнақ тилаймиз. Ҳар бирингизга бахт-саодат ҳамиша
ёр бўлсин. Тинчлик ва барқарорлик қадим ўзбек
тупроғини асло тарк этмасин.
Илоё, гўзал Ватанингизни ёмон кўзлардан Яратганнинг
ўзи асрасин!
Байрамингиз муборак бўлсин!

**UZMACOM**

GSM

**«ЎЗМАКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ**

# НАВРЎЗ

**БАЙРАМИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
СИЗГА ТИНЧЛИК,
БАХТ-САОДАТ ВА
ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ!**



Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шоҳкўчаси, 8.
Тел.: 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15; факс: (998-71) 100-98-98, 120-63-78.
www.uzmacom.uz

5488/531

**РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ –
«ҒАЛЛАБАНК» БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАСИ**

*Ўз мижозлари, акциядорлари
ва бутун Ўзбекистон халқини*
**НАВРЎЗ БАЙРАМИ**
*билан самимий муборакбод
этади.*

*Наврўз — табиатнинг уйғониш фасли, меҳр-мурувват
айёми, орзу-умидлар рамзи. Ушбу улуғ айём муносабати
билан барчага тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик,
мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайди.
Мамлакатимиз молия бозоридан тобора мустаҳкам ўрин
олаётган, универсал банк мақомига эга бўлган
"Ғаллабанк", мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжалик
юритувчи субъектларни ҳамкорликка чорлайди.
Уларга жаҳон андозалари даражасида
сифатли хизмат кўрсатади.*



"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

**"Ғаллабанк" бошқаруви**

Kamalak-TV

# Азиз юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!

“Камалак-ТВ” қўшма корхонаси жамоаси

сизларни умумхалқ байрами — Наврўз билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир оилага қут-барака, эл-юрт равнақи, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий юксалиши йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

TURON 1067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА

5468/386

metso minerals

# «МЕТСО МИНЕРАЛЗ» («СВЕДАЛА») КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқини севимли баҳор байрами —

Наврўз

билан муборакбод этади!

Ушбу айём кунларида барчага тинчлик ва осойишталик, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида улкан зафарлар тилаймиз.

Ҳар бир оилага бахт ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ёр бўлсин.

«МЕТСО МИНЕРАЛЗ» («СВЕДАЛА») ЎЗБЕКИСТОН

# Азиз ватандошлар!

Турон БАНК

# «Турон»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

Сизларни баҳор байрами — Наврўз айёми билан табриклайди ва сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик-тотувлик тилайди.

## «Турон» АТБ банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

| Омонат турлари ва сақланиш муддатлари | Фоиз ставкаси | Талаб қилинадиган энг кам миқдор |
|---|---|---|
| «Орзу» (3, 6, 12 ой муддатли) | Йиллик 36%+ойлик капитализация билан | Энг кам 2000 сўм миқдорида |
| «Умид» (12 ой муддатли) | Йиллик 40% (Ҳисобланган фоиз суммасини олдин талаб қилиб олиш мумкин. Агар ҳисобланган фоиз суммаси олдин талаб қилинмаса, муддат якунида қўйилган омонат маблағига қўшимча 2% миқдорида мукофот берилади) | Энг кам 10000 сўм миқдорида |
| «Нуроний» (3 ой муддатли ва омонат қўйувчи шахс 54 ёшдан ошган бўлиши керак) | Йиллик 46% | Энг кам 50000 сўм миқдорида. Қайтариш муддатида талаб қилинмаган омонат маблағи ҳисобланган фоиз суммаси билан биргаликда янги муддат учун узайтирилади |
| Депозит жамғарма сертификатлари (3 ой муддатли) | Йиллик 40% | 1000, 5000, 10000 сўмлик номинал қийматларда |

Омонат маблағлари банкнинг барча филиаллари ва жамғарма кассаларида қабул қилинмоқда.
Мурожаат учун телефонлар: 144-29-18, 144-27-98, 144-32-32.

Биз сизлар билан ва сиз учун!

5472/466

# ШОҲБЕКАТДА ФАВВОРА

Замонавий турар жой, маданий-маиший бинолар, жаҳон андозаларидаги спорт мажмуалари тобора яшараётган Наманган кўрку тароватини оширмоқда. Наврўз арафасида вилоят марказидаги темир йўл шоҳбекати майдонида қад ростлаган улкан фаввора ҳам улар қаторидан жой олди. Доира шаклида пастдан юқорига ва ундан яна пастга ҳаракатланаётган ҳарир парда мисоли сув турфа чироқлар нурида камалакдай товланади. Шаҳарда фавворалар кўп қурилган, бироқ буниси бошқача. Баландлиги йигирма тўрт метрга кўтарилган марказий устун тепасида ялтираб турган давлатимиз гербидаги Хумо қуши юксакликларга парвоз қилаётгандай. Ёнидаги ҳар бири ажиб тусли ёритгичлар билан безатилган беш қўш устун фаввораи янада салобатли кўрсатади. Иншоот атрофида янгича қиёфа касб этган темир йўл шохбекати, «Почтамт» ва «Агромаш» корхонаси бинолари ажойиб уйғунлик ҳосил қилган.



Шу ҳудуддаги Амир Темур кўчасини кенгайтириб, йўлларга асфальт ётқизиш, ёритиш тизимини қайта қуриш сингари тадбирларни қўшиб ҳисоблаганда, фаввора қурилишига жами 700 миллион сўм маблағ сарфланди. Қурувчилар уни жуда қисқа фурсат — тўрт ярим ой ичида битказдилар. «Намангансувқурилиш», «Автойўл», «Наманганнур» ҳиссадорлик жамиятлари бунёдкорларининг жадал ва пухта ишлаганликлари самараси бу.

Ўтган кун оқшомида Наврўз тантаналари янгиланган шоҳбекат майдонига кўчди. Шаҳар жамоатчилиги ва меҳмонлар бундаги ҳар бир бино, ҳар бир қурилманинг бетакрорлигини таъкидладилар. Театрлаштирилган томоша, куй, қўшиқ ва рақслар тақдимот маросимини янада қизиқарли ўтказди.

Шоҳбекатдаги нашъали дақиқалар бугун вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида одамларга шукуҳ улашмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАНГА ДАРМОН ГИЁҲЛАР

Доривор гиёҳлар ҳақида гап кетгудек бўлса, унинг инсон танасига нечоғли зарур эканлигига амин бўласан, киши. Серқуёш диёримизнинг барча гўшаларида доривор ўсимликларнинг маълум қисми ўсади. Улар, айниқса, «илик узилди» палласида танага малҳамдек дармон беради. Жумладан, алоэ тиббиётда экстракт, таблетка ва суюқ ҳолда овқат ҳазм қилишнинг бузилиши, ичак яраси, астма, куйган жойларга даво тариқасида ишлатилади. Бўймодорон эса қадимдан табобатда ўн икки бармоқ ичак яраси хасталиги, гастрит ва бавосилда қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилган. Зубтурумнинг баргида эса С, К витаминлари, каратин ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Шифобахш ўсимлик ҳисобланмиш кашничда В гуруҳига кирувчи дармон-дорилар, эфир мойлари кўп учрайди. Шу боис кашнич кўпинча овқат, турли салатлар билан тановул қилинади. Бундан ташқари, кийик ўти, равоч, тоғрайҳон, отқулоқ сингари гиёҳларнинг ҳам турли хасталикларини даволашдаги ўрни беқиёсдир. Шунингдек, шивит, селдер, жағ-жағ ва бошқа бир қанча ўсимликлар ҳам борки, уларнинг кўпи юқумли ва соматик хасталикларни даволашда, уларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Шундай экан, кундалик турмушимизда овқатлар билан бирга кўкатлар ва зиравор ўсимликларни, айниқса, баҳор ойлари, «илик узилди» палласида кўпроқ истеъмол қилиш фойдадан холи бўлмайди.

**Нуриддин ТОШБОЕВ,**
**республика Саломатлик институтининг шифокори.**

Rahnamo
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

Ўзбекистон халқини байрамларнинг энг гўзали бўлмиш баҳор ва янгиланиш айёми —
Наврўзи олам
билан чин дилдан муборакбод этади.
Шу қувончли кунларда сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият, хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз. Ватанимиз мустақиллиги янада мустаҳкам бўлиб, юртимиз гуллаб-яшнасин!

Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

5507/561

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

Ўзбекистон диёри кўп миллатли халқининг севимли баҳор байрами —
Наврўз
билан табриклаймиз!

*Кириб келаётган Наврўз байрами кунларида сизларга ва яқинларингизга тинчлик ва осойишталик, мустақил Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ҳар бир оилада бахт ва ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат қарор топишига тилакдошмиз.*

**Наврўзингиз муборак!**

5478/425

Nestlē
*Соғлом таом. Соғлом ҳаёт.*



*Nestlē Сизни «Наврўз» байрами билан табриклайди ва шу баҳор байрами муносабати билан сизга бахт ва сиҳат-саломатлик тилайди.*

*Сизга мамнуният билан Наманганда Nestlē заводи очилиши тўғрисида хабар қилади.*

5502

# Хуш келибсан, Наврўзи олам!

*Ҳурматли ватандошлар!*

## «ЎзДЭУавто» компанияси

## Сизларни Наврўзи Олам билан қутлайди

## ва 5 та автомобиль ютиш ўйинида қатнашишга таклиф этади!

***Сизнинг ҳар бирингиз компаниянинг энг зўр совғаси — автомобилга эга бўлишингиз мумкин! Ўйинда иштирок этсангиз, сизга, албатта, омад кулиб боқади!***

### *Ўйин шартлари:*

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.




**Компаниянинг Ўзбекистондаги барча расмий дилерлари сизларни кутмоқда!**

**Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!**

**Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.**

5499/456

